



2022 - 2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

А.Хаитбоев

Чирчиқ туманлараро

иқтисодий судининг раиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7095343>

ARTICLE INFO

Received: 14th September 2022

Accepted: 16th September 2022

Online: 20th September 2022

KEY WORDS

Тараққиёт, адолат ва қонун устуворлиги, инвестиция, хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, сиёсий.

Ўзбекистон Республикасида Президентимизнинг ташаббуслари ва бевосита раҳбарликлари остида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу борада кўплаб Фармон ва қарорлар шунингдек, дастурлар қабул қилинди. Мазкур ислоҳотларнинг барчаси инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган. Хусусан, Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 28 январдаги Фармони билан давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этишга қаратилган “Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси” тасдиқланди. Дастурда белгиланган устувор йўналишлардан бири мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги

ABSTRACT

Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини таъминлаш га хизмат қилади.

тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантиришдан иборат бўлиб, мазкур йўналишда белгиланган вазифалар қаторида суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларга ҳам кенг эътибор қаратилган. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида қуйидаги еттита устувор йўналишлар илгари сурилмоқда: биринчи устувор йўналиш — инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш; иккинчи устувор йўналиш — мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш; учинчи устувор йўналиш — миллий иқтисодиётни ривожлантириш, унинг



ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида таъминлаш;
тўртинчи устувор йўналиш — адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш;
бешинчи устувор йўналиш — маънавий тараққиётни таъминлаш, ушбу соҳани тубдан ислоҳ этиш ва янги босқичга олиб чиқиш;
олтинчи устувор йўналиш — умумбашарий муаммоларга миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда ечим топиш;
еттинчи устувор йўналиш — мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очиқ ва прагматик, фаол ташқи сиёсат олиб бориш.
Асосийси, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясидаги еттита устувор йўналишнинг бош ғояси инсон қадрини таъминлашдир.
Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси лойиҳаси негизида бир

қанъча янги дастурлар, янги концепциялар, янги қонун ҳужжатлари қабул қилиниши назарда тутилмоқда. Бу билан мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик ривожланишининг кейинги босқичида амалга ошириладиган ислоҳотлар кенг камраб олинмоқда.
Жумладан, Тадбиркорлик кодексининг ишлаб чиқилиши юртимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, мамлакатимизнинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва кафолатларини мустаҳкамлашнинг қонуний асосига айланади.
Хулоса қилиб айтганда, Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазибаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини таъминлашга хизмат қилади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” тўғрисидаги Фармони.
2. E-qaror.gov.uz “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”.
3. Norma.uz “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”.